

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ-ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

мавзусидаги

Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман

ТҮПЛАМИ

Бухоро, 2021 йил 19-20 ноябрь

БУХОРО – 2021

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартағи 78-ф сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси”да белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 19-20 ноябрь кунлари “Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг замонавий-инновацион технологиялари, муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ўтказилмоқда.

Республика илмий-амалий анжуман тўпламида Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг замонавий-инновацион технологиялари, қишлоқ хўжалик экинларини янги ва истиқболли навларини яратиш, ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилайдиган замонавий инновацион технологияларни тупроқ унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда илғор тажрибаларини қишлоқ хўжалик соҳасида оммалаштиришга бағишлиланган маъruzалар ўз аксини топган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Тахририят ҳайъати: О.Х.Хамидов, О.С.Қаҳҳоров, Г.Т.Зарипов, Ҳ.Т.Артикова,
Ф.Х.Жумаев, Р.Юнусов, О.Б.Шарипов, Ш.Ш.Нафетдинов, Ш.Х.Тўхтаев,
С.М.Назарова, А.А.Илясов, Ҳ.Ҳ.Салимова

Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, меъёрий хужжатлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифнинг ўzlари масъулдирлар.

**ШОФИРКОН ТУМАНИ МИРЗО ЖАМШИД ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ
ЭСКИДАН СУГОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ БИОЛОГИК
ФАОЛЛИГИ.
Н.Х.Ҳакимова**

Микроорганизмлар тупроқ хосил бўлиши жараёнининг асосий омили ва табиатда моддалар алмашинишининг зарур бўғини хисобланади. Иқлим шарт-шароитлари, ўсимлик қоплами ва тупроқнинг физик-кимёвий хоссаларига мувофиқ холда тупроқларнинг мазкур турида кенжা тури учун хос бўлган микроорганизмлар туркуми шаклланади.

Ўрганилаётган тупроқларнинг кимёвий, агрокимёвий ва агрофизик қўрсаткичлари хилма-хиллиги, улар ўз навбатида тупроқ хосил қилувчи жинсларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлиги, тупроқлар гидротермик мароми, рельефнинг фарқланиши, шўрланиш жараёнларининг акс этганлик даражаси кабиларнинг хаммаси биологик шароитларига ва умуман олганда, тупроқ хосил бўлиши хамда унумдорликка ва айниқса, тупроқ микрофлорасига таъсир қўрсатади. Оқсил ва таркибида азот бўлган бошқа органик бирикмалар парчаланишидан муҳитда аммиак тўпланиши аммонификация дейилади. Одатда, бу жараён оқсилнинг чириши дейилади.

Аммонификация жараёнида, бактериялардан ташқари, актиномицетлар ва моғор замбуруғлари ҳам иштирок этади. Аммонификация жараёнида табиатда кенг тарқалган бўлиб, қишлоқ хўжалигида жуда муҳим рол ўйнайди. Бу жараёнда ҳайвонлар ва ўсимликлар қолдиғи таркибидаги азотли органик моддалар парчаланиб, ўсимликларнинг озиқланиши учун зарур бўлган минерал моддалар ҳосил бўлади. Шофиркон тумани Мирзо Жамшид ф/х эскидан сугориладиган ўтлоқи тупроқлариюкори қатламда $1,4 \times 10^8 - 6,7 \times 10^7$ КХБ/г миқдорида тебраниб турди. Қуйи қатламларга томон $5,2 \times 10^5 - 3,0 \times 10^3$ КХБ/г миқдорида ошди. Шофиркон тумани Мирзо Жамшид ф/х эскидан сугориладиган ўтлоқи тупроқлари 0-10 см ли қатламида аммонификаторлар баҳор ва куз ойида $1,4 \times 10^8 - 6,7 \times 10^7$ КХБ/г ни ташкил этди. Қуйи қатламларга томон $5,2 \times 10^5 - 3,0 \times 10^3$ КХБ/г миқдорида ошди.

Актиномицетлар тупроқнинг кенг тарқалган микроорганизмлари сирасига киради. Красильников (1949) буни уларнинг озиқ танламаслиги, бошқа турдаги микроорганизмлар баҳраманд бўла олмайдиган моддалардан фойдалани олиш қобилияти ва муҳит шароти ўзгаришига енгил мослашиб хусусияти билан изохлайди. Актиномицетлар азотнинг органик ва минерал шаклларини ўзлаштиради, моно, ди- ва полисахаридларда, шунингдек ҳайвон ва ўсимлик мойларини парчалашга қодир органик кислоталар ривожланади. Баъзи актиномицетлар тупроқ гумуси ва хитинни парчалашга қодир. Актиномицетлар тузларининг юкори концентрацияларига чидамли, улардан айримлари атмосферада азот тўплашга қодир. Актиномицетлар қуриб қолишига жуда чидамли (Тансон, 1936; Красильников, 1952;). Ёз даврида актиномицетларнинг бактериялар ва замбуруғларга қараганда кўплиги шу туфайли бўлса керак. Бу микроорганизмларнинг сони ўртача ва кучсиз эрозияланган тупроқларда кўпаяди, олигонитрофиллар ва азотни ўзлаштирувчи энг кўп гурух хисобланади, энг кам сонли гурух аммонийлаштирувчи ва спора хосил қилувчи микроорганизмлардир. Айни чоғда, ювилиб тўпланган тупроқда охиргисининг миқдори бир мунча ошади. Бундай ўзига хослик сернамлик хамда бу тупроқлар кимёвий таркиби жуда хилма-хиллиги ва хар хил ўтлар борлиги билан боғлиқ. Профил бўйича, бактерияларда бўлгани каби, актиномицетлар миқдори устки қатламларидан пасткилари томон камайиб боради. Фақат кучли шўрланган тупроқлар устки қатламида актиномицетлар миқдори анча камайган. Тадқиқ этилаётган тупроқлар актиномицетларга бой бўлибгина колмай, уларда бу мироорганизмларнинг хилма-хил турлари хам мавжуд. Актиномицетлар орасида *Str. violaccus*, *Str. albus*, *Str. coclicola* ва *Str. rimosis* турлари яхши табақалашган. Ранг- тусяга кўра малларанг, оқиш, оқ, кулранг, пушти, сарик, қунғир, оч кўқ, бинфшаранг актиномицетлар фарқланади, шуни айтиш керакки, айримларда кўқ ва бинафша ранглари йўқ.

Шофиркон тумани Мирзо Жамшид ф/х эскидан сугориладиган ўтлоқи тупроқлари юкори қатламда $2,2 \times 10^4 - 1,5 \times 10^4$ КХБ/г миқдорида тебраниб турди. Қуйи қатламларга томон камайиб кетган.

Олигонитрофиллар. тупроқнинг азотга мойил муҳитда шароитида ўсишига қодирмикроорганизмлар бўлиб, ушбу организмларнинг аксарияти диазотрофидир: улар атмосфера азотини аниқлашга қодир. Олигонитрофиллар азотни аниқлашда иштирок этиш имкониятига эга. Ўсимликларга атмосферада яхши азот шакллари етказиб, айниқса табиатда азотнинг айланишида муҳим рол ўйнайди.

Улар органик бирикмаларнинг минерализациясини якунловчи тупроқ микрофлораси гурухини ташкил қилувчи олигонитрофил ва олиго-карбофил микроорганизмлардир, улар табиатда тарқалган энергияни тўплаш қобилиятига эга. Шофиркон тумани Мирзо Жамшид ф/х эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлари юкори қатламда $3,0 \times 10^5$ - $2,2 \times 10^5$ КХБ/г миқдорида тебраниб турди. Қуйи қатламларга томон камайиб кетган. **Замбуруғлар.** Тупроқ микроскопик замбуруғлари (микромицетлар) тупроқ унумдорлигига муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўп турлари ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг тупроқда парчаланиш жараёнида фаол иштирок этади. Тадқиқот натижаларини шуни кўрсатадики, йил давомида замбуруғлар миқдори деярли фарқланмади. Ёз ва куз фаслларида ҳам суғориш шароити туфайли тупроқда замбуруғлар миқдорининг ортиши кузатилди, бу эса оптималь гидротермик шароит ва озиқ моддаларнинг кўплиги билан боғлиқ, тупроқнинг етарлича намлик билан таъминланиши турли хил замбуруғларга ижобий таъсири билан намоён бўлади. Замбуруғлар катта миқдорда протоплазма синтезлайди ва тупроқда органик моддалар миқдорини ортишига олиб келади. Шофиркон тумани Мирзо Жамшид ф/х эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлари юкори қатламда $1,2 \times 10^8$ - $6,7 \times 10^7$ КХБ/г миқдорида тебраниб турди. Қуйи қатламларга томон $2,2 \times 10^6$ - $7,0 \times 10^6$ камайиб кетган. (1-жадвал)

Маълумки, тупроқда кўпгина органик ва анорганик моддаларнинг чириши ва ўзлаштирилиши ҳилма-ҳил миқдордаги ва турли-туман бўлган жонли микрофлора иштирокида содир бўлади. Микроорганизмларнинг миқдорий ва сифатий таркиби тупроқнинг биологик ва ферментатив фаоллигини, унумдорлигини белгилайди, айни пайтда, бу ҳам ўз навбатида тупроқнинг кимёвий таркиби ва структураси билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Фойдали микроорганизмлар абиоген моддаларини парчаловчилар борлиги туфайли парчаланиши қийин бўлган, тупроқ бирикмалари муракаб биокимёвий жараёнлар орқали енгил сингдириладиган шаклларга ўтади, бунда аввало, азот алмашиниши маҳсус ферментлари қатнашади. Шербакова 1961).

Тадқиқотларимиз давомида биз қуйидаги натижаларни қўлга киритдик: барча ўрганилган тупроқларда инвертаза **ферментлари фаоллиги** баҳор ва куз ойида, ёз ойига қараганда кўпроқ эканлиги кузатилди. Шофиркон тумани Мирзо Жамшид ф/х эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлари юкори қатламда $1,85$ - $4,1$ КХБ/г миқдорида тебраниб турди. Қуйи қатламларга томон $0,13$ - $0,43$ КХБ/г миқдорида ошди.

Ўрганилган тупроқларда каталаза ферментлар фаоллиги баҳор ва куз ойида, ёз ойига қараганда кўпроқ эканлиги кузатилди. Шофиркон тумани Мирзо Жамшид ф/х эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлари юкори қатламда $5,2$ - $0,8$ КХБ/г миқдорида тебраниб турди. Қуйи қатламларга томон $0,14$ - $0,60$ КХБ/г миқдорида камайди.(2-жадвал)

Тадқиқотларимиз давомида барча ўрганилган тупроқларда уреаза ферментлар фаоллиги баҳор ва куз ойида, ёз ойига қараганда кўпроқ эканлиги кузатилди Шофиркон тумани Мирза Жамшид ф/х эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлари юкори қатламда $0,6$ - 9 КХБ/г миқдорида тебраниб турди. Қуйи қатламларга томон $0,35$ - $0,43$ КХБ/г миқдорида камайди. Натижаларнинг кўрсатишича барча ўрганилган тупроқларда фосфатаза ферменти фаоллиги баҳор ва куз ойида, ёз ойига қараганда кўпроқ эканлиги кузатилди. Шофиркон тумани Мирза Жамшид ф/х эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлари юкори қатламда $1,9$ - $5,2$ КХБ/г миқдорида тебраниб турди. Қуйи қатламларга томон $0,22$ - $0,26$ КХБ/г миқдорида камайди.

Таъкидламоқ керакки, оксидловчи-қайтариувчи фенол парчаловчи ферментлари, хусусан, пероксидаза ва полифенолоксидаза органик фенол моддаларнинг инқирозига бевосита алоқадор бўлиб, ўсимлик қолдиқларини, лигнин углеводларни парчаланишида иштирок этади. Бундан ташқари уреазалар (азот алмашинишидаги оралиқ маҳсулот) амиак ва сувга ажратиб, азот тўпланишида ҳал

қилувчи касб этади. Ферментларнинг кўрсатилган фаоллиги, замбуруғларга ҳамда тупроқдаги чиритувчи бактерияларга ҳосдир.

Олинган натижалар асосида биз ўрганилган худуд тупроқларининг ферментлар билан таъминланиш картограммасини туздик. (1-картограмма). Тадқиқот объективизда ферментларнинг таъминланиши бўйича жуда кам, кам, ва ўртача таъминланишга эга экан.

Демак, Шоғиркон тумани Мирзо Жамшид ф/х эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларидағи микроорганизмлар ҳамда оксидланиш-қайтарилиш ва гидролитик ферментларнинг фаоллиги худуднинг табиий иқлим шароити, физик хоссалари, шўрланиш даражасига кўра миқдорий ва мавсумий ўзгариши аниқланди. Демак, суғориладиган типик бўз тупроқларда гумус миқдорининг парчаланиши ва синтез қилиниши ферментларнинг фаоллигига чамбарас боғлиқ экан.

АДАБИЁТЛАР:

1. Давронов К.Д., Каршиева Д.Х. Роль микроорганизмов в оздоровлении почвы, повышения их плодородия и урожайности сельскохозяйственных растений // Аграрный Вестник Узбекистана. – Ташкент.: 2002. – №4(10). – С. 60-64.

2. Джуманиязов И. Тупроқ – тирик организм. – Т: Фан, 1991. – 45 б. Красильников Н.А. Микроорганизмы почвы и высшие растения. – М.: Изд-во АН СССР, 1958.- 211 с.

3. Мишустин Е.Н. Биологические пути повышения эффективности повышения плодородия почв. Сб. «Микроорганизма и плодородия почвы». Тр.инс-та микробиологии АН СССР. 1961.-С. 55-59.

4. Хазиев Ф.Х. Методы почвенной энзимологии. – М.: Наука, 2005. – 252 с.

5. Юлдашева Х.Э. Микробиологические процессы и свойства почв Каршинской степи, их изменение при длительном орошении и пути биовосстановления плодородия: Автореф. докт.биол. наук. – Ташкент: Институт микробиологии АН РУз, 2008. –46 с.

ХЎЖАЙЛИ ВА ТАХИАТОШ ТУМАНЛАРИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ.

А.Арзимбетов, Н.Раупова

Қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлар унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича тадбирларни ташкил этишда тупроқнинг агрокимёвий хоссаларини - яъни тупроқнинг асосий озиқа элементлари, органик моддалар билан таъминланганлик даражасини билиш муҳим аҳамият касб этади. Олиб борилган изланишларимиз давомида, Хўжайли ва Тахиатош туманлари ҳудудида тарқалган тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларининг шўрланиш таъсирида сезиларли равища ўзгариши кузатилди. Маълумки, гумус тупроқ унумдорлигини таъминловчи ва тупроқнинг физик ҳолатини, агрокимёвий кўрсаткичларини, биологик фаоллиги, структура ҳолатини, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиш шароитини яхшиловчи асосий манба ҳисобланади. Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ошади. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўрганилган ҳудуд тупроқлари таркибида гумус кам. Барча тупроқларда гумуснинг катта миқдори юқори горизонтларда тарқалган, қуи қатламларга томон гумус миқдорининг сезиларли камайиши кузатилади (4.4.1 жадвал, 4.4.1 график).

Гумус миқдори Хўжайли ва Тахиатош туманларида тарқалган янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ҳайдалма қатламларида 0,97-1,59% атрофида, ҳайдалма қатлам остида 1,02-1,33% ни ташкил этади. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ҳайдалма қатламларида гумус миқдори 1,18-1,64% атрофида бўлса, ҳайдалма қатлам остида бу кўрсаткич 1,12-1,45% атрофида тебраниб туради. Ўтлоқи –аллювиал қумли тупроқларда 1,31% бўлиб, кейинги қатламга томон камайиб 0,58% ни ташкил этади. Ўтлоқи ботқоқ тупроқларда бу кўрсаткич 1,55%, кейинги

| | | |
|------------|---|-----|
| 105 | Ж.Сайдулло. Алмашлаб экиш-тамакичиликда юқори ҳосил гаровидир | 215 |
| 106 | Қ.Назарова. Мош ўсимлигини экиш муддати хамда меъёрларини ўсиш ва ривожланишга таъсири. | 216 |
| 107 | Ф.Х. Жумаев, И.Фозилов. Бухоро шароитида нўхат - cicer arietinum l. етишириш технологияси. | 218 |
| 108 | Ш. Х. Тўхтаев,Х. Ш. Ортиқова. Заарли ҳасвани биологияси ва уни ҳимоя қилиш усуллари. | 220 |
| 109 | А.М.Тагаев,С.А.Абдурахмонов. Уруг экиш муддатлари ва меъёрларини кузги жавдар бошогининг биометрик кўрсаткичларга таъсири. | 221 |
| 110 | Ҳ.М.Тилавов, Ҳ.С.Амиров, Т.Э.Остонақулов. Экспортбоп қовун навлари, улардан қоқи тайёрлаш технологиясининг хусусиятлари | 223 |
| 111 | Ш.Х.Тўхтаев,С.Назарова,Ш.Э.Одилов. Токзорлардаги антракноз касаллиги ва уни ҳимоя қилиш усуллари. | 225 |
| 112 | Ж.Ҳамдамов. Таркибида азот тўпловчи (<i>bradirhizobium japonicum</i>) бактериялар бўлган тупроқлар ва фосфор парчаловчи <i>fosstüm-3</i> биоўғитларини соя экилаётган тупроқларга қўллаш натижасида туганак бактерияларни шакилланиши. | 227 |
| 113 | M.Q.Eshmurodova, A.Sattorov, J.Madaminov. Кўшқаторлаб экиш ғўза ҳосилдорлигини оширишнинг экологик асосидир. | 229 |
| 114 | Р.Қурвонтоев, А.А.Мусурманов. Тупроқ намлик даражасига мулчалаш ва кам ишлов беришнинг таъсири | 230 |
| 115 | S.M.Nazarova M.Xalilova. Qorako'l vohasi tuproqlarining agrokimyoviy holati va tuproq zichligining qatlamlar kesimida o'zgarishi unumdorlikka tasiri. | 232 |
| 116 | Аббасов С.Б.,Самъяев А.К. Современные экологические проблемы дельты реки Зарафшан | 233 |
| 117 | Г.Т.Зарипов, М.М.Гаффоров. Маҳаллий мева ва сабзавотлардан композитлар тайёрлаш ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланиши | 236 |
| 118 | H.T.Artikova, Sh. Amrullayeva. Tuproq unumdorligini oshirishda agrotexnik tadbirlar | 238 |
| 119 | Н.Х.Ҳакимова. Шоғиркон тумани мирзо жамшид фермер хўжалиги эскидан сугориладиган ўтлоқи тупроқларининг биологик фаоллиги | 240 |
| 120 | А.Арзимбетов, Н.Раупова. Хўжайли ва Тахиатош туманлари тупроқларининг агрокимёвий хоссалари. | 242 |
| 121 | Абдузалирова О.Х., Паҳрадинова Н.С., Гафурова Л.А. Турли микробиологик биопрепаратларнинг сугориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларининг шўрланиши ва мелиоратив ҳолатига таъсири. | 247 |
| 122 | Халиков Б.М., Негматова С.Т. Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришнинг тупроқ унумдорлигига таъсири. | 250 |
| 123 | Махкамова А.Ш. Ирригация эрозияга учраган типик бўз тупроқларни унумдорлигини оширишда биопрепаратларни ўрни. | 252 |
| 124 | Гафурова Л.А. Мадримов.Р.М., Шарипов О.Б. Хоразм вилояти тупроқларининг ҳозирги ҳолати ва улардан фойдаланиш. | 254 |
| 125 | Аббасов.С.Б.,Самъяев .А.К. Современные экологические проблемы дельты реки зарафшан. | 258 |
| 126 | Бекбанов Б.А., Нагыметов О., Утамбетов О.П. Значение сои в сельском хозяйстве и в промышленности. | 261 |
| 127 | Сайназаров Г.У., Бердиев Б.Б., Назарымбетов И.К. Влияния предшественников на солевой режим почвы и на урожайность хлопчатника. | 263 |
| 128 | Турдышев Б. Х., Бердиев Б.Б.,Бердиев Д. Б. Определение сроков сева, нормы высева покровной культуры для повышения качества и урожайности люцерны. | 266 |
| 129 | М.Турғунов., И.Мажидов. Уруғларни капсулалаш текис кўчат олишни таъминлайдими. | 269 |
| 130 | Шамуратова Г.М., Гафурова Л.А., Эргашова О.Х. Шўрланган тупроқларни унумдорлигини оширишнинг баъзи йўллари. | 271 |
| 131 | Юсупова.М.А Қумларнинг экомелиоратив ҳолатини яхшилаш. | 274 |
| 132 | Абдурахмонов Н.Ю., Эгамбердиев Ж.А. Орол денгизи куриган тубидаги қумли сахро тупроқларнинг мелиоратив ҳолати. | 276 |